




ХИТОЙ БИЛАН ҲАМКОРЛИК ЖАДАЛ РИВОЖЛАНИБ БОРАЁТГАНИ МАМНУНИЯТ БИЛАН ҚАЙД ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 13 май куни Ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Хитой ҳукуматлараро қўмитасининг навбатдаги йиғилишида иштирок этиш учун мамлакатимизда бўлиб турган Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Бош вазири ўринбосари Лю Гочжун бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Хитой делегацияси раҳбари Ўзбекистон етакчисига ХХР Раиси Си Цзиньпин ва Давлат кенгаши Бош вазири Ли Цяннинг самимий саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантириш ва барча шароитларда стратегик шериклик муносабатларини чуқурлаштиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди. Жорий йил январь ойида Хитойга амалга оширилган олий даражадаги ташриф якунида эришилган келишувлар иқросининг бориши таҳлил қилинди.

Қўмита фаолияти самарали натижалар бераётгани, товар айирбошлаш ва жалб этилаётган инвестициялар ҳажми барқарор ошаётгани, мунтазам авиақатновлар сони кўпайиб бораётгани, маданий тадбирлар фаол ўтказилаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Савдо кўрсаткичларида мувозанатни таъминлаш ва мамлакатимиз маҳсулотларининг Хитой бозорига кириши учун қўлай шароитлар яратиш, иқтисодийнинг стратегик тармоқларида муҳим инвестиция лойиҳаларини жадаллаштириш, ҳудудлар кооперациясини кенгайтириш, гуманитар, таълим ва туризм дастурларини амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бундан ташқари, “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўлини қуриш лойиҳаси бўйича ишларнинг амалий босқичини тез фурсатда бошлаш билан боғлиқ жиҳатлар муҳокама қилинди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

ГЕОЛОГИЯНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИШЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 13 май куни кўмир қазиб чиқаришни ошириш режалари тақдироти билан танишди.

Аҳоли ва иқтисодиётнинг ўсиб бораётган эҳтиёжини таъминлаш учун энергетиканинг барча йўналишлари ривожлантирилмоқда. Жумладан, муайян тармоқларда кўмирдан фойдаланиш қўл келадди. Ҳисоб-китобларга кўра, юртимиздаги кўмир захиралари қарийб 2 миллиард тоннани ташкил этади.

Бу имконият ишга солиниб, кўмир қазиб олиш ҳажми изчил ошириб келинмоқда. Хусусан, 2016 йилда бу кўрсаткич йилга 4 миллион тоннадан кам бўлган бўлса, 2023 йилда 6 миллион 550 минг тоннага етди.

Давлатимиз раҳбари конларга инвесторларни жалб қилиб, янги лойиҳаларни амалга ошириш зарурлигини айтган эди. Ўтган йили бу борада сезиларли силжиш бўлиб, тадбиркорлар томонидан 369 минг тонна кўмир қазиб чиқарилди.

Тақдиротида соҳадаги режалар ҳақида ҳам ахборот берилди. Қайд этилганидек, бу йил кўмир қазиб

чиқариш 8 миллион тоннага етказилади. Шундан 900 минг тоннаси тадбиркорлар томонидан олинади. “Шаргунқўмир” акциядорлик жамиятида йилга 500 минг тонна кўмирни бойитиш ускунаси ишга туширилади.

Сурхондарё, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларидаги тўртта майдонда геология ишлари олиб борилмоқда ва келгуси йилда қазиб чиқаришга йўналтирилади.

Шу билан бирга, илғор хорижий тажрибани қўллаган ҳолда кўмир қатламларини баҳолаш ва бурғилаш ишлари давом эттирилмоқда. Буларнинг натижасида 2025 йилда кўмир қазиб чиқариш ҳажмини 10 миллион тоннага етказиш режалаштирилган.

Мутасаддиларга соҳада халқаро стандартларни жорий этиб, кўмир сифатини ошириш, инвестиция лойиҳаларини жадаллаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

ЎЗА

ОСИЁ ХОТИН-ҚИЗЛАРИ ФОРУМИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Ҳурматли Форум қатнашчилари!

Хонимлар ва жаноблар!

Авваламбор, сиз азиятларни — дунёнинг олис ва яқин минтақаларидан ташриф буюрган муҳтарам меҳмонларимизни Осие хотин-қизлари форумининг очилиши муносабати билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Сизларни қадимий ва навқирон Самарқанд шаҳрида қизгин қутлаш ҳамда ўзининг юксак ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларини йўллашдан гоёят бахтиёрман.

Ушбу ташаббусимизни фаол қўллаб-қувватлаган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Котиби жаноб Антониу Гутерришга, анжуманни биргаликда ташкил этиб, унда бевоқифа иштирок этаётган БМТ Бош котиби ўринбосари, “БМТ-аёллар” тузилмаси ижрочи директори Сима Сами Бахус хоним, БМТнинг Женевадаги бўлими раҳбари Татьяна Валова ва Парламентлараро интифок Бош котиби Мартин Чунгонг жанобларига ўзининг чуқур миннатдорчилигини изҳор этаман.

Бугунги Форумда халқаро ташкилотлар ва Осие мамлакатлари парламентлари раҳбарлари, сенатор ва депутатлар, ҳукуматлар аъзолари, шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари, кўлаб ишбилармон ва олимпиадалар қатнашаётганлари катта мамнуният билан таъкидлашни истайдим.

Сизларнинг сано-ҳаракатингиз билан юртимизда илк бор ўтказилаётган халқаро анжуман хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-гуманитар соҳалардаги фаоллигини

янада ошириш, ўзаро тажриба алмашиш ва дўстона ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшади, деб ишонаман.

Ҳурматли тадбир иштирокчилари!

Бугунги кунда дунёда жадал ривожланиб бораётган Осие қизларининг барча мамлакатлари ва халқлари асрлар давомида ягона кенг маконда уйғун ва ҳамжиҳатликда ривожланиб, турли соҳаларда яқин ҳамкорлик алоқаларини олиб борганлар.

Буюк Ипак Йўлининг савдо чорраҳасида жойлашган Марказий Осие минтақаси минг йиллар мобайнида турли маданиятлар ва цивилизациялар тараққиёти учун қудратли куч бағишлаган, юксак умумбашарий қадриятларнинг улкан маънавий бешиги бўлган.

Сўнгги йилларда Янги Ўзбекистон Осие қитъасининг ҳам барча мамлакатлари билан узоқ муддатли, кенг қамровли ва ўзаро манфаатли алоқаларни изчил чуқурлаштириб боришга устувор аҳамият қаратаётгани бежиз эмас, албатта.

Сайёрамиз аҳолисининг ярмидан кўпи истиқомат қилаётган Осие мамлакатлари Барқарор ривожланиш мақсадларига тўлиқ эришиш, гендер тенгликни таъминлаш, хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги роли ва таъсирини кескин ошириш борасида салмоқли ютуқларни қўлга киритмоқда.

Бизнинг мамлакатимизда ҳам аёллар жамиятимизнинг ажралмас бўғини бўлиб, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари янги қабул

қилинган Конституциямиз, “Ўзбекистон — 2030” стратегияси ва Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси каби концептуал ҳужжатларда ўзининг тўлиқ ифодасини топган.

Сўнгги етти йилда Ўзбекистонда хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги улуши 27 фоиздан 35 фоизга кўтарилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг 32 фоизи, Сенат аъзоларининг 25 фоизи аёллардан иборат. Бугун ҳар бир маҳаллаимизда ҳам уларнинг ўз вакиллари бор.

Ишбилармон аёллар сафи икки баробар кенгайиб, ўз бизнесини йўлга қўйган аёллар сони 205 мингдан ошди. Юз минглаб аёллар касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитилди. Салкам ярим миллион нафар сингилларимиз иш билан таъминланди. Ҳозирги кунда олийгоҳларда таълим олаётган талабаларнинг ярмидан зиёдини қизлар ташкил этмоқда.

Бу борада олиб бораётган тизимли чора-тадбирларимиз халқаро ҳамжамият томонидан ҳам муносиб эътироф этилмоқда. Хусусан, Жаҳон банки индексиде Ўзбекистон гендер тенглик соҳасида дунёдаги энг тез ривожланаётган 5 та мамлакат қаторида қайд этилгани, очик гендер маълумотлар индексиде энг яхши 20 та давлат қаторидан олган юлгани бизга алоҳида мамнуният бағишлайди.

Қадрли дўстлар!

Биз Янги Ўзбекистонда хотин-қизларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш, раҳбарлик қобилиятини ва тадбиркорлик салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, уларга замонавий билим бериш, касб-ҳунарга ўргатиш ва

бандлигини таъминлаш, эҳтиёжманд ва кўмакка муҳтож аёлларнинг муаммоларини тизимли ҳал қилиш бўйича бошлаган катта ишларимизни бундан кейин ҳам изчил давом эттирамиз.

Зеро, бугунги тарихий ўзгаришларнинг фаол иштирокчиси бўлаётган муҳтарам аёлларимиз — орта қайтмас тус олган демократик ислохотларимиз ва жадал тараққиётимизни амалга оширишда бунёдкор куч, биз кураётган адолатли ва тинчликсевар, кўп миллатли ва фаровон мамлакатнинг мустаҳкам асосидир.

Ўйлайманки, сизлар ушбу Форумни ҳар икки йилда ўтказиладиган анъанавий мулоқот майдонига айлантириш бўйича таклифимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайсиз.

Бугунги анжуман натижасида қабул қилинадиган Самарқанд декларацияси асосида келгусида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг “Осие хотин-қизларининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва маданий-гуманитар фаоллигини ошириш тўғрисида”ги резолюциясининг қабул қилиниши барчамизнинг бу борадаги эзгу интилишларимизнинг ёрқин амалий ифодаси бўлади.

Фурсатдан фойдаланиб, барчангизга яна бир бор сийҳат-саломатлик, бахт ва омад, Форум ишига улкан муваффақият тилаб қоламан.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Халқаро форум

АДОЛАТЛИ ВА ТЕНГ ҲУҚУҚЛИ ДУНЁ ТАРАҚҚИЁТИГА ЭРИШИШ УШБУ МАҚСАД ОСИЁ МИНТАҚАСИ ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИ БИР ДАВРАГА ЖАМЛАДИ

Самарқандда “Хотин-қизларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳуқуқ ҳамда имкониятларини кенгайтириш масалаларига минтақавий ёндашув” мавзусида Осие хотин-қизлари форуми бўлиб ўтмоқда.

Олий Мажлис Сенати, Хотин-қизларнинг жамиятадаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари

бўйича республика комиссияси, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Ташқи ишлар вазирлиги, “БМТ-аёллар” тузилмаси

ҳамкорлигида ташкил этилган халқаро тадбирда 30 дан ортиқ давлатдан 80 дан зиёд нуфузли меҳмон — Шарқий Осие, Жануби-шарқий Осие, Жанубий Осие ва Марказий Осие мамлакатлари парламентларининг аёл аъзолари, ҳукуматлари раҳбарлари, 40 дан ортиқ давлатнинг мамлакатимиздаги ваколатхоналари

ҳамда хорижий ташкилотлар вакиллари иштирок этмоқда.

Форумни Олий Мажлис Сенати раиси Танзила Норбоева очиб, Президентимизнинг тадбир иштирокчиларига йўллаган табригини ўқиб эшиттирди.

► Давоми 3-бетда

ЎН БЕШТА ҲУДУДА IT-ШАҲАРЧА ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёевга мамлакатимизда рақамли технологияларни ривожлантириш, бу соҳада ёшларни ва лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари бўйича ахборот берилди.

Давлатимиз раҳбари бу ҳақда ўтган йили 20 декабрь куни Рақамли технологиялар вазирлигига ташрифи чоғида топшириқ берган эди.

Сўнгги йилларда бу соҳа жуда тез ривожланиб, мутахассислар ва хизматлар кўпайиб бормоқда. Хусусан, 2017 йилда юртимизда IT компаниялар сони 147 та бўлган бўлса, бугунги кунда 2 мингга яқинлашди. Уларда 30 минг ходим юқори даромадли иш билан банд, 70 мингдан зиёд ёшлар IT билан мустақил шуғулланяпти.

Жорий йилнинг ўтган тўрт ойида соҳадаги хизматлар ҳажми 20 фоизга ўсди, 200 миллион долларлик экспорт қилинди, 5 мингта иш ўрни яратилди.

Лекин ҳудудлар кесимида қараганда, IT хизматлари ва экспортнинг асосий улуши Тошкент шаҳрига тўғри келади. Мутахассисларнинг 80 фоизи шу ерда яшайди.

Шу бонс, бу соҳани чекка ҳудудларда ҳам ривожлантириш мақсадида, IT-шаҳарчалар ташкил этиш режалаштирилган. Лойиҳага кўра, бундай масканлар дастлаб 15 та ҳудудда — Чимбой, Ғиждувон, Зомин, Шароф Рашидов, Фориш, Хатирчи, Поп, Шахрисабз, Қўшработ, Сарисие, Сирдарё, Паркент, Тошлоқ ва Тупроққалъа туманлари ҳамда Хонобод шаҳрида ташкил қилинади. Уларда йилга 10 мингта яқин ёшлар IT, чет тили ва бошқа замонавий касблар бўйича бепул ўқитилади.

Президентимиз шаҳарчалар ёшлар учун қўлай жойда бўлиши, уларда юқори малакали мутахассислар дарс бериши зарурлигини таъкидлади.

— Шиддат билан ўзгараётган даврда ҳамма соҳага ахборот технологияларини биладиган кадрлар керак. Бу соҳада хизматлар учун ҳам, экспорт учун ҳам энг асосий ресурс бу — малакали мутахассислар. IT-шаҳарчалар бу йўлда ёшларга қанот бўладиган, замонавий касбларга ўргатадиган тизим бўлиши керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ривожланган давлатларда IT саноатини ривожлантиришда стартапларни қўллаб-қувватлашдан кенг фойдаланилади. Юртимизда ҳам бундай лойиҳалар бўйича танловлар ўтказиб келинмоқда. Лекин бу борада шафдофликни ошириш, лойиҳаларга натижадорлик асосида грант ажратиш зарурати мавжуд.

Шунинг учун IT таълим ва дастурий маҳсулот йўналишидаги лойиҳалар бўйича 1 миллиард сўмгача бўлган стартаплар танловини IT-парк орқали ўтказиш таклиф этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари бу танловда ҳам, худди “President Tech Award” танловидаги каби нуфузли халқаро компаниялар томонидан баҳолашни йўлга қўйиш зарурлигини таъкидлади.

Сунъий интеллект дастурларини яратиш ва қўллаш бўйича ҳам муваффақиятли иш олиб борилмоқда. Жумладан, биометрик идентификациялаш учун “My ID” тизими ривожлантирилди. Бугунги кунда 28 та банк ва 5 та давлат ташкилоти мазкур тизимга уланди. У орқали 8 миллион 200 мингдан ортиқ фойдаланувчи рўйхатдан ўтди.

“Muxlisa” номли ўзбек тилидаги овозли ёрдамчи ишлаб чиқилмоқда. Ушбу ишланмани турли замонавий техника воситаларига ўрнатиш мўлжалланган.

Рақамли технологиялар соҳасини янги босқичга олиб чиқиш мақсадида сунъий интеллект ва космик фаолиятга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш вазифаси қўйилди.

Шунингдек, тақдиротида Ягона қоммунал хизматлар платформасини жорий этиш бўйича ҳам ахборот берилди. Бу онлайн платформа орқали истеъмолчилар 8 та коммунал ташкилот хизматлари учун тўловларни амалга ошириши мумкин бўлади. Унда 14 тадан ортиқ идоралар маълумотларини бир нуқтада жамлаш ҳамда автоматлаштирилган равишда тақсимлаш имконияти пайдо бўлади.

ЎЗА

Халқаро форум

АДОЛАТЛИ ВА ТЕНГ ҲУҚУҚЛИ
ДУНЁ ТАРАҚҚИЁТИГА ЭРИШИШ

Ушбу мақсад Осиё минтақаси хотин-қизларини бир даврага жамлади

Бошланиши 1-бетда

Ушбу форумни ташкил этиш гоёяси БМТ Бош Ассамблеясининг ўтган йили Нью-Йоркда бўлиб ўтган 78-сессиясида Президентимиз томонидан илгари сурилган эди. Ташаббус халқаро ҳамжамият ва минтақа давлатлари томонидан бир овоздан қўллаб-қувватлагани бежиз эмас. Зеро, глобаллашув жараёнлари жадал давом этаётган бугунги даврда хотин-қизларнинг давлат бошқаруви, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, илмий-академик ва маданий-гуманитар соҳалардаги фаол иштирокини таъминлаш ҳар қачонгидан-да муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, жаҳон миқёсида сиёсий-иқтисодий беқарорлик давом этаётган, турли низолар, янги хатарлар хавфи юқори бўлаётган мураккаб бир шароитда мазкур масала долзарблиги янада ошмоқда.

Мазкур тўсиқларни енгиб, адолатли ва тенг ҳуқуқли дунё тараққиётига эришишда хотин-қизлар саъй-ҳаракатини бирлаштириш, бой салоҳиятидан оқилона фойдаланиш, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида имкониятларини рўёбга чиқариш муҳим вазифадир. Тараққиётнинг юксак чўққилларини кўзлаб илдам бораётган ҳар бир мамлакат бу масалани сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгилаб, тегишли чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Ана шундай муҳим паллада Осиё мамлакатлари хотин-қизларининг бир даврага йиғилиб, глобал миқёсдаги долзарб масалалар юзасидан ўтказаятган мулоқоти нафақат минтақа, балки дунёда тинчлик

ва тараққиётни таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз. Зеро, бугунги кунда Осиё минтақасининг жаҳон тараққиётида тугган ўрни тобора ортиб бормоқда. Жумладан, дунё иқтисодиётида энг катта улушга эга давлатлар айнан Осиё минтақасида жойлашган. Таълим, соғлиқни сақлаш, ахборот технологиялари, иқтисодиёт ва бошқа кўплаб соҳалар жадал ривожланмоқда. Албатта, тараққиётнинг бундай юксак даражасига эришишда аёлларнинг роли, катта ҳиссасини инкор этиб бўлмайди.

Янги Ренессанс пойдеворини барпо этиш устувор мақсад этиб белгиланган юртимизда халқимиз, жумладан, хотин-қизлар учун эркин, обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди ва бу борада кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Аввало, миллий қонунчилик такомиллаштирилиб, хотин-қизлар учун янада кенг имкониятлар яратилмоқда. Уларнинг сиёсий-ижтимоий фаоллигини ошириш, жамиятдаги ислохотларга муносиб улуш қўшиши, тадбиркорлик билан шуғулланиши учун яратилаётган имкониятлар бунга мисол бўла олади. Натижада ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳамда маънавий ҳаётимизда, муҳим қарорлар қабул қилинишида хотин-қизларнинг иштироки сезиларли равишда кенгайиб бормоқда. Қисқа даврда соҳага доир халқаро стандартларга мос миллий қонунчилик базаси шакллантирилди. Жумладан, кейинги 5 йилда 80 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди.

“Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги ҳамда “Хотин-қизларни таътиқ



ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди ва амалиётга жорий этилди. Гендер тенглик сиёсатини тўғри йўлга қўйиш ва тўлақонли амалга ошириш мақсадида 2030 йилга қадар мўлжалланган гендер стратегияси қабул қилинди. Уни барча соҳа ва тармоқларга жорий қилиш ишлари жадаллик билан давом этмоқда.

Қонунчиликка норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни гендер экспертизадан ўтказиш, гендерга асосланган миллий бюджетни

қабул қилиш, гендер аудит каби тушунчалар киритилиб, амалиётга жорий этилмоқда.

Хотин-қизлар таълим, илм-фан билан шуғулланиши учун барча шароитлар яратилди. Аёллар учун имтиёзли кредитлар, махсус квоталар ажратилди, магистратурада ўқийдиганларнинг контракт тўловлари тўлиқ давлат бюджетидан қоплаб бериладиган бўлди.

Ҳозир олий таълим муассасаларида тахсил олаётган талабаларнинг ярмидан

қўпини хотин-қизлар ташкил этаётгани бу йўналишдаги ишларнинг муҳим самарасини намоён этади. Бундай эътибор ва имконият тўғрисида аёллар шу пайтгача анъанавий бўлган таълим, тиббиёт, тикувчилик йўналишларидан ташқари рақамли иқтисодиёт, ахборот технологиялари каби илгор соҳаларга ҳам фаол кириб келмоқда.

Халқаро форум мамлакатимизда эришилаётган ана шундай муҳим ютуқ ва

тажрибаларни оммалаштириш, минтақада хотин-қизларнинг имконият ва салоҳиятини рўёбга чиқариш, иқтисодиётдаги иштирокини янада кенгайтириш, давлат ва жамият бошқарувидаги ролини ошириш бўйича тажриба алмашиш учун ўзига хос мулоқот майдони бўлмоқда.

Форумнинг биринчи иш кунинда БМТнинг хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияси, Пекин декларацияси ва Ҳаракат платформаси қондаларини амалга ошириш билан боғлиқ халқаро, минтақавий ва миллий тажриба ҳамда инновацион ёндашувлар кенг муҳокама қилинди. Хотин-қизларнинг таълим олиши, соғлиқни сақлаш хизматларидан, рақамли технологиялар ва инновациялардан фойдаланиши, муносиб иш билан таъминланиши учун имкониятларни янада кенгайтириш хусусида фикр алмашилди.

Форум доирасида Олий Мажлис Сенат раиси Т.Норбоева қатор давлатлар парламентлари ҳамда нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари билан учрашув ўтказди. Шунингдек, оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасида Малайзия, Филиппин, Ҳиндистон, Покистон, Қувайт ҳамда Туркия билан англашув меморандумлари имзоланди.

Форум ўз ишини давом эттирмоқда. Тадбир якунида ўтказилган музокара ва муҳокамадор натижаси сифатида Самарқанд декларацияси қабул қилиниши кўзда тутилган.

Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Сўз — иштирокчиларга

Конструктив мулоқот ва манфаатли ҳамкорлик руҳи

Мукаррам НУРМАТОВА,
Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари:



— Бугун хотин-қизлар фаолияти ҳақида сўз борганда, гендер тенгликни молиялаштириш деган ағам тез-тез тилга олинадиган бўлди. Бу аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш, ишбилармон аёллар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, иқтисодиёт ва жамият ривожидagi фаоллигини янада оширишга хизмат қиладиган муҳим омилдир. Мамлакатимизда бу йўналишда бажариш ишлар натижасида тадбиркорлик фаолияти билан банд хотин-қизлар улуши 21 фоиздан 37 фоизга ошиб, 205 минг нафарга етди.

Албатта, тадбиркор бўлиш осонгина ишбилармонга айланиш, дегани эмас. Бунинг учун хузур-халоватдан кечиш, бизнес билан боғлиқ қийинчилик, тўсиқларни енгиб ўтиш керак бўлади. Аввало, ўз устида тинимсиз ишлаш, технологиялардан

хабардор бўлиши, энг асосийси, уларни оила аъзолари қўллаб-қувватлаши лозим. Бу борада опа-сингилларимизга кўмак беришда “маҳалла еттичилиги” айланиш мудабо бўлмоқда. Дунёда ўхшаш бўлмаган бундай тизимни жорий этишдан мақсад ҳам аслида инсон ҳуқуқ ва манфаатларини қўйиш бўлишидир.

Форумда шу йўналишда юртимизда қилинаётган ишлар ҳақида тадбир қатнашчиларига маълумот бериш, минтақамизнинг бошқа давлатлари тажрибаси хусусида ўзаро фикрлашдик.

Ишончим комилки, конструктив мулоқот ва қизгин муҳокамалар руҳида ўтган форум гендер сиёсатининг турли соҳалари бўйича ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш, хотин-қизларнинг иқтисодий имкониятини ошириш, минтақавий хавфсизликни таъминлаш, замонавий таҳдидларга қарши курашишда ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашда янги истиқболларни очди.

Бирлашсак, барча муаммоларга ечим топамиз

Сима Сами БАХУС,
БМТ Бош қотиби ўринбосари,
“БМТ-аёллар” тузилмаси ижрочи директори:



— Аввало, мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини тарғиб қилишга содиқлиги, ушбу форумни ўтказиш ташаббуси учун Ўзбекистон Президентига миннатдорлик билдираман.

Бу халқаро форум айланиш вақтида ташкил этилгани билан аҳамиятлидир. Тадбирни ўтказиш учун Самарқанд шаҳри танлангани бежиз эмас. Тарих ва замонавийлик уйғунлашган бу ғўзал ва мафтункор замин, худди тарихда бўлгандек, бугунги кунда ҳам барчани бирдамлик ва дўстликка ундайди.

Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашда дунёда қатор ижобий анъаналар шаклланиши қайд этиш жоиз. Қўллаб-қувватлаш, иқтисодиёт соҳасида ҳам гендер тенглик борасида муваффақиятга эришилди. Мисол учун, Ўзбекистонда тенг

қийматдаги меҳнатга муносиб ҳақ тўлаш жорий этилди, хотин-қизларни санат қорхоналари ва хавфли, деб топилган ишларга жалб қилиш бўйича чекловлар олиб ташланди. Биз бу қарорларни қўллаб-қувватлаймиз.

Шу билан бирга, дунёда юз бераётган қўллаб-қувватлаш, айниқса, аҳолининг нисбатан заиф қатлами бўлган аёллар ва

қизларга кўпроқ таъсир этаётгани ачинарлидир. Ҳар учинчи аёл ҳали ҳам зўравонлик ва таъқибларга дучор бўлмоқда. Ҳар ўнинчи аёл ўта ночор аҳволда яшамоқда.

Ана шундай глобал муаммоларга қарши курашиш учун барчамиз бир жамоа бўлиб ҳаракат қилишимиз лозим. Ушбу форум бу борада ягона қарашларни шакллантириш, оқилона ечимларни ишлаб чиқиш, биргаликда ҳаракат қилиш ва умумий ҳисобдорлиқни таъминлашимизда ажойиб мулоқот майдони бўлди. Шу боис, бизни тарихий Самарқандда қабул қилгани учун Ўзбекистон ҳукумати ва бир бор ташаккур изҳор этаман.

Дунёда юз бераётган қўллаб-қувватлаш, айниқса, аҳолининг нисбатан заиф қатлами бўлган аёллар ва қизларга кўпроқ таъсир этаётгани ачинарлидир. Ҳар учинчи аёл ҳали ҳам зўравонлик ва таъқибларга дучор бўлмоқда. Ҳар ўнинчи аёл ўта ночор аҳволда яшамоқда.

Глобал саъй-ҳаракатларни умумлаштириш мақсади



Татьяна ВАЛОВАЯ,
БМТнинг Женевадаги бўлими раҳбари:

— Гендер тенглик нафақат инсоннинг асосий ҳуқуқи, балки барча йўналишларда барқарор ривожланишнинг муҳим омилidir. Қўллаб-қувватлаш кўрсаткичи, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида аёллар ва эркаклар тенг иштирок этгандагина жамиятда мувозанатга эришиш мумкин. Шунинг учун дипломатияда гендер тенглик фақат адолат масаласи эмас, балки кенг қамровли ва ўзаро мутаносиб келишувларга ҳам замин яратади.

Ушбу форум барча манфаатдор томонлар учун турли соҳаларда гендер тенгсизлиқни бартараф этиш бўйича муаммоларни муҳокама қилиш, глобал саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга имконият яратгани айланиш мудабо бўлди. Шу боис, Ўзбекистон ҳукумати ва “БМТ-аёллар” тузилмасига ушбу муҳим форумни ташкил этгани учун миннатдорлик билдираман.

Ишончим комилки, форум бутун дунёда аёллар ҳуқуқини ҳимоялаш, қарорлар қабул қилишда фаоллигини ошириш, сайёраимизда тинчлик ва тараққиётга эришишда ўз ўрнига эга бўлади.

ЎЗБЕКИСТОНДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БОРАСИДА ИЖОБИЙ НАТИЖАЛАР ҚАЙД ЭТИЛМОҚДА

Самарқанд шаҳрида “Хотин-қизларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳуқуқ ҳамда имкониятларини кенгайтириш масалаларига минтақавий ёндашув” мавзусида ўтказилаётган Осиё хотин-қизлари форуми иштирокчилари ушбу халқаро тадбирнинг аҳамияти ҳақида ўз фикрларини билдирди.

Белен Санс ЛУКЕ,
“БМТ-аёллар” тузилмасининг Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича минтақавий директори:



— Форумда юқори даражали спикерларнинг нутқларини катта иштиёқ билан тингладим. Жумладан, Ўзбекистон Олий Мажлис Сенати раиси Танзила Норбоева ҳамда “БМТ-аёллар” тузилмаси ижрочи директори Сима Сами Бахуснинг маърузаларида қайд этилган долзарб масалалар барчамизга турли даражада масъулият юклайди. Парламентлар хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш ва уларнинг барча соҳаларда ўз ўрнини топишда муҳим роль ўйнаши керак. Биз хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, уларнинг ташаббусларига инвестиция қилишимиз зарур. Шунингдек, барча даражадаги хотин-қизлар етакчилигини ва фуқаролик жамияти институтлари бу жараённинг муҳим қисми бўлишини таъминлашимиз лозим. Келгусида ҳам бу борадаги ишларни давом эттирамиз.

Шарлотта АДРИАН,
Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги элчиси:



— Хотин-қизларга нисбатан зўравонликка барҳам берилаётгани, гендер тенглик борасидаги ижобий натижалар қайд этилаётгани, албатта, катта ютуқ. Ўзбекистоннинг янги таҳридаги Конституциясида ҳам гендер тенглигига алоҳида урғу берилган. Шунингдек, университетларда аёллар кўпчилигига, хотин-қизларнинг молиявий имкониятлари кенгайтирилганга гувоҳ бўлишимиз. Бу олдинга қўйилган муҳим қадам дегани. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг бунга қўйган ҳисса ва қатор нуфузли ташкилотлар вакиллари тўғрисида мана шундай долзарб йўналишда муҳокамалар ўтказилаётганидан Ўзбекистондаги аёл элчи сифатида фахрланам.

Ўзбекистондаги ҳар бир аёлга омад тилайман. Улар энг яхшисига муносиб. Ўзбекистон хотин-қизларида жуда катта салоҳият мавжуд. Шунингдек, хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб турган Президентингиз бор. Бутун дунё бўйлаб энг яхши тажриба билан мамлакатимизда танишайтганимиз учун сизларни табриклайман.



Амира ФАХМИЙ,
Мисрнинг Ўзбекистондаги элчиси:

— Ўзбекистондаги фаол таълим давомида турли соҳаларда ижобий ислохотларга гувоҳ бўлиман. Осиё хотин-қизлари форумининг Ўзбекистон томонидан ўтказилаётганидан жуда хурсандман. Бу ҳукуматнинг хотин-қизлар масалаларини, уларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини устувор йўналишлар қаторига қўяётганидан далолат беради. БМТ, Ислом ҳамкорлик ташкилати ва бошқа қатор нуфузли ташкилотлар вакиллари тўғрисида мана шундай долзарб йўналишда муҳокамалар ўтказилаётганидан Ўзбекистондаги аёл элчи сифатида фахрланам.

Ўзбекистондаги ҳар бир аёлга омад тилайман. Улар энг яхшисига муносиб. Ўзбекистон хотин-қизларида жуда катта салоҳият мавжуд. Шунингдек, хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб турган Президентингиз бор. Бутун дунё бўйлаб энг яхши тажриба билан мамлакатимизда танишайтганимиз учун сизларни табриклайман.

“Дунё” АА
Самарқанд

ЧАРМСАНОАТ

ЎЗИМИЗНИКИДАН ҚЎЙМАСИН

Миллий бренд миллий ғурурга айланмоқда

Юртимизда ўтказилган халқаро кўргазмаларнинг бирида ўзимизда ишлаб чиқарилган чарм-поябзаллар растасига кўзим тушди. Бирдан эътиборимни тортган бу оёқ кийимлар нарх, сифат ва бежиримлик жиҳатидан ҳеч бир хориж брендиникидан қолишмайди. Маҳаллий тадбиркорлар махсулоти экани айтилмаса, фарқлай олмайсиз.

Қизиқ, олдинлари ўзимизда ишлаб чиқарилган пойабзаллар харид қилиш у ёқда турсин, олдиндан бир неча қадам нари четлаб ўтардик. Ҳозир эса бу турдаги махсулотларимиз ички бозорда бемалол рақобатда кирилиш баробарида, хорижга ҳам экспорт қилинапти. Хўш, ўтган давр оралиғида нималар ўзгарди?

— Бу, аввало, чарм-поябзал соҳасини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилиб, янги ва замонавий технологиялар кириб келиши, тадбиркорларнинг фаол қўллаб-қувватланаётгани махсули, — дейди “Ўзчармсаноат” уюшмаси раиси вазифасини бажарувчи Фарҳод Нурмуҳамедов. — Яъни шу тармоқда бизнесини ривожлантираётган юртдошларимизга кенг йўл берилиб, қатор имконият ва имтиёзлар тақдим этилди.

Мақсад чарм саноатини иқтисодийтимизнинг драйвер соҳаларидан бирига айлантириб, бу орқали аҳоли бандлигини таъминлаш, фаровонлигини ошириш, миллий бренд остидаги махсулотларимизни жаҳон майдонига олиб чиқишдан иборат эди. Бунинг учун олдимизга қатор вазифалар қўйилган. Хусусан, тери хомашёси, мўйна, жуң, қорақўл махсулотларини чуқур қайта ишлаб, қўшилган қиймат занжирини яратиш, улардан юқори қўшилган қийматга эга, экспортбоп, ички ва ташқи бозор учун рақобатбардош тайёр махсулотлар ишлаб чиқариш борасидаги ишларимиз йил сайин кенгайиб борапти. Натижада ўтган йилги чарм саноатида ишлаб чиқариш ҳажми қарийб 3 триллион сўмга, экспорт ҳажми эса 130 миллион долларга етди. Жорий йилнинг тўрт ойида 44,7 миллион долларлик экспорт қилинди. Экспорт географиямиз ҳам кенгайиб борапти, харидор мамлакатлар сони 30 дан ошди. Шу йилдан бошлаб Колумбия, АҚШ, Италия, Венгрияга миллий бренд остидаги чарм-поябзал махсулотлар экспорт қилинди.

Айни пайтда юртимиз чарм саноатида мингдан ортиқ корхона фаолият юритаётган бўлса, шундан 534 таси “Ўзчармсаноат” уюшмасига аъзо. Уюшмага аъзолик, албатта, қўшимча имкониятлар беради, аммо мамлакатимизда мавжуд имтиёзлар соҳадаги барча тадбиркорлар учун бирдек амал қилади.

— Табиий чармини тикиш жуда қийин, унга ҳамма ҳам чидай олмайди, — дейди Тошкент вилояти Қўнрай туманида тадбиркорлик қилаётган Алексей Маншаев. — Шунинг учун бўлса керак, айни йўналишда мутахассислар ҳам, рақобат ҳам кам. Аммо соҳада қўллаб солиқ имтиёзлари мавжуд. Ҳар йили ишчилар, техника, ишлаб чиқариш қувватларини 10 фоиз оширардик, ҳозир эса икки баробар кўпайтиряпмиз. Айни пайтда корхонамизда 150 дан ортиқ киши ишлаб, даромад топапти.

Тадбиркорнинг “Kanishka fur” корхонаси тайёрлаётган чарм махсулотларининг рақобатчиси оз бўлса-да, у тинимсиз янги дизайнлар устида ишлаб, миллий брендимиз остидаги чарм махсулотлар турини 300 дан оширишга улгурган. Унинг корхонасида “чипта”, “чўпон”, “миршаб”, “навруз” каби номдаги сумкалар бор. Миллати ўзбек бўлмаган бу йилги тилимизни чуқур хурмат қилади, барча билан ўзбек тилида гаплашади. Дизайнини ўзи чизадиган махсулотларига ҳам ўзи ўзбекча ном беради. Миллий бренд орқали ўзбек тилини жаҳонга танитиш ниятида.

Жаҳоннинг машҳур бренди Ўзбекистонда ишлаб чиқариляпти

Болалигимизда жаҳоннинг энг машҳур “Nike”, “Adidas” бренди остидаги спорт оёқ кийимларини кийишга ишқибоз эдик. Бу брендлар ҳозир ҳам ўз машҳурлигини йўқотма-

ган ва рақобатда ҳамон етакчилар қаторида. Бу етакчилик ва тренддан тушмаслиқнинг асосий сири эса сифат ҳамда энг илгор технологияларда бўлса керак.

Ўтган йилнинг август ойидан юртимизда “Nike” кроссовкалари ишлаб чиқарила бошланди. Андижон вилоятидаги “Sino international” хорижий корхонаси бунинг учун 5 йил давомида “Nike” томонидан талаб қилинадиган барча халқаро сифат стандартларини тўлиқ амалга оширди. Муайян ишлаб чиқариш линиялари яратилиб, ишчилар учун муносиб меҳнат шaroитлари ва юқори сифат назорати ташкил этилди. Ниҳоят корхонада кунига 6 минг жуфт кроссовка ишлаб чиқариш қуввати йўлга қўйилди. Келгусида йиллик қувватни 3 миллион донага етказиш режалаштирилган.

— 2019 йилдаёқ “Nike” ва “Adidas” компаниялари Ўзбекистонда ўз бренди остида спорт пойабзаллари ишлаб чиқаришга рухсат берган эди, — дейди “Ўзчармсаноат” уюшмаси бошқарма бошлиғи Шухрат Алиев. — Улар қўйган барча талаблар бажарилган, ишлаб чиқариш бошланди. “Nike” компанияси спорт пойабзаллари ишлаб чиқариладиган ҳар бир мамлакат учун расмий штрих-кодни тақдим этади. Ўзбекистон ҳам ушбу штрих-кодни олган ва бу Андижондаги корхона жаҳон брендидаги барча русумдаги кроссовкаларни ишлаб чиқариш ҳуқуқига эга эканини аниглади. Айни пайтда юртимизда “Nike” бренди остида тикилаётган кроссовкалар Марказий Осиё мамлакатлари бозорларига етказиб бериляпти, келгусида Европа давлатларида ҳам сотилади. Умуман, ҳозирги кунда четда бизнинг чарм-поябзал махсулотларимизга талаб ошиб борапти. Чунки улар сифати ва жозибали нархлари билан ажралай туради, рақобатбардошлиғи юқори. Ҳатто миллий брендимиз остидаги пойабзаллар Марказий Осиёда етакчилик қилипти. Махсулотларни тўлиқ маҳаллий шaroитда, энг замонавий технологиялар ёрдамида ишлаб чиқаряпмиз. Ҳар йили модага мос тарзда икки мингдан ортиқ махсулот модели янгиланган борилади, янгидан янги моделлар ўзлаштирилади. Ҳозир 50 дан ортиқ корхонада товарлар тўлиқ маҳаллийлаштирилиб, турли пойабзал тагликлари, термоматериал, параллон ва бошқа товарлар ўзлаштирилмоқда. Соҳада 100 фоиз



чарм махсулотлари ишлаб чиқариляпти. Ушбу йўналишда хомашёга бой эканимиз имкониятларни янада оширади. Нафақат тери хомашёси, балки унинг қолдиқларини ҳам қайта ишлаб, тайёр махсулотга айлантиряпмиз.

Хомашё етарли, аммо...

Чиндан, ҳозир чарм саноатидаги энг асосий масалалардан бири хомашёдир. Яъни хомашё етарли, аммо ундан тўғри ва тўлиқ фойдаланилмаяпти. Шу йилнинг 10 май куни давлатимиз раҳбари раислигида чарм ва илақ саноатини ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари муҳокамаси бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида соҳадаги камчиликларга эътибор қаратилди. Кейинги йилларда 25 та туманда чорвачилик кластерлари ташкил қилиниб, чармга ихтисослашган 16 та кичик саноат зонаси ишга туширилганга қарамай, айрим ҳудудларда ишлар лозим даражада ташкил этилмаганлиги танқид қилинди.

Ҳар соҳада муаммолар, иш бор жойда камчиликлар бўлади. Уларни ўз вақтида қўриш, тўғри баҳолаш орқалигина аниқ ечимлар бериш мумкин. Айниқса, соҳа ичидаги тадбиркорлар мавжуд муаммоларни чуқурроқ ҳис қилди. Давлатимиз раҳбари уларни тинглаб,

биржада корхоналар реестри яратилиб, уларнинг бино-иншооти, ишчи ўрни, тўлиқ қувватлари базаси шакллантириладиган бўлди. Бу орқали биржага фақат ишлаб чиқарувчилар кирадиган механизм жорий этилади.

Соҳада ечимини қутаётган ёки озгина туртки, кўмак керак бўлган бошқа масалалар ҳам бор. Масалан, тармоқ экспортда бирламчи махсулот ўрни юқори, тайёр махсулот улуши атиги 30 фоиз атрофида. Терини қайта ишлаш даражаси ҳам етарли эмас. Бунда чорвачилик кластерларидан тўла фойдаланилмаяпти.

— Шу боис, олдимизга янги вазифалар қўйилди. Жумладан, вилоят ҳокимлари билан биргаликда чармга ихтисослашган кичик саноат зоналарида 100 миллион долларлик лойиҳалар шакллантирилади, — дейди “Ўзчармсаноат” уюшмаси раиси вазифасини бажарувчи Фарҳод Нурмуҳамедов. — Шароф Рашидов ва Охангарон туманларида чарм кластерлари ташкил қилинади. Чорвачилик кластерларига озуқабоп экан учун ер ҳамда зотли қорамол учун кам фоизли кредитлар ажратилади. Шунингдек, 14 та кичик саноат зонасида 100 миллион долларлик лойиҳалар амалга оширилади. Буларнинг ҳисобига шу йилнинг биринчи ярмидаёқ пойабзал махсулотлари ҳажмини 72,5 миллион жуфт, чарм-атторлик махсулотларини 71,6 миллиард сўмга қисқартириш кутиляпти. Бу даврда умумий қиймати 40,5 миллион долларлик 45 та янги инвестицион лойиҳа фойдаланишга топширилиши ортидан 2400 та янги иш ўрни яратилапти. Асосийси, экспорт таркибиде юқори қўшилган қийматли тайёр махсулотлар улуши ортомоқда. Экспорт ҳажми эса дастлабки ярим йиллик якунида 86 миллион долларга етиши кутиляпти.

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Муносабат

ИНВЕСТИЦИЯЛАР —

Гидроэнергетика сув ресурслари механик энергиясидан оқилона ва самарали фойдаланишнинг энг мақбул ечими сифатида мамлакат иқтисодий тараққиётига муҳим аҳамиятга эга. Сув оқими энергиясини электр энергиясига айлантиришга хизмат қилувчи ушбу йирик табиий ва сунъий тизим яшил энергетиканинг ажралмас қисмидир.

Бажодиржон ШЕРМУҲАММАДОВ,
педагогика фанлари доктори,
профессор

Бугун дунё бўйлаб энергия ресурсларига талаб ортаётгани, углеводород хомашёси захираси камайиб бораётгани янги мукобил энергия манбаларини топиш ва жорий қилишни тақозо этади.

Мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқлари ва иқтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш ҳамда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш бўйича кенг қўллади ишлар қилинапти. Электр энергиясидан оқилона фойдаланиш, арзон, ишончли ҳамда барқарор замонавий энергетикани жорий этиш кун тартибидеги долзарб масалага айланди.

Айни пайтда Ўзбекистонда 9 гигаваттлик 22 та қуёш ва шамол электр станциясини қуриш устида иш олиб боришмоқда. Президентимиз учинчи Тошкент халқаро инвестиция форумида сўзлаган нутқида ҳам ушбу масалага тўхталди. Энергетика тармоғи самарадорлигини ошириш минтақамиз учун долзарблиги, бу борада мамлакатимизда қўллаб-қувватланадиган ишлар давом этаётганини таъкидлади.

Узоқни қўзлаб қилинаётган саъй-ҳаракатлар замирида минтақа манфадатлари мумассам эканига барчамиз амин бўляпмиз. Зеро, 2030 йилгача 20 гигаваттдан ортиқ қайта тикланувчи энергия қуввати барпо этиш ва энергетика мувозанатига унинг улушини 40 фоизга етказиш сари қатта қадамлар ташланмоқда. Ўтган йилнинг ўзида “Masdar”, “Gezhouba”, “China Energy” каби стратегик ҳамкорлар ёрдамида 1,4 гигаватт қувватли йирик шамол ва қуёш электр станциялари ишга туширилгани фикримиз тасдиғидир.

“ACWA Power” билан ҳамкорликда “яшил водород” ишлаб чиқариш лойиҳаси бошлаб борилгани ҳам қатта янгиллик бўлди. Бундай ўзгаришларнинг муҳим жиҳати шундаки, амалдаги лойиҳалар давлат-хусусий шериклик тамойили асосида, тўғридан тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан юзага чиқмоқда.

Давлатимиз раҳбари Қирғизистон ва Тожикистондаги гидроэлектр станцияларини биргаликда қуриш лойиҳасининг стратегик аҳамиятини дадил ифода этган ҳолда, барча етакчи компанияларни очик мулоқот ва амалий ҳамкорликка чақирди. Инвестиция дипломатияси Ўзбекистон иқтисодий тараққиётининг мустақам драйверига айланиб бормоқда. Чунки бугуннинг талаби шундай: инсон ва эҳтиёжлари дунё бозорини ҳаракатга келтириш билан бирга, соҳалар келажини белгилаб бермоқда.

Табиийки, демографик ўсиш натижасида юртимизда ҳар йили энергияга талаб 5-6 фоизга ошиб бормоқда. Таҳлилларга кўра, келгуси 6 йилда мамлакатда электр энергиясига талаб ҳозирги 83 миллиарддан 120 миллиард киловатт-соатга ўсиши кутилмоқда. Бу кўрсаткич қайта тикланадиган энергия манбалари бизга нечоғлиқ зарур эканини анигламоқда. Ўсиш жараёни эса халқнинг яшашга иштиёқи, оилаларнинг фаровон турмуш сари интилиши ҳамда давлат сиебатига ишончини ажқол кўрсатиб турибди.

Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозоғистон иштирокида 1860 мегаваттлик Қамбарота ГЭСи қурилади. Жорий йил якунига қадар яна 2 гигаваттдан ортиқ яшил энергия қуввати ишга туширилади. Натижада яшил энергия қувватини 18 фоиздан 30 фоизга ошириш кутилмоқда. Бундан ташқари, ушбу энергиядан фойдаланиш 2030 йилга бориб, жами истеъмолдаги энергиянинг 50 фоизини ташкил этади.

Шу муносабат билан халқаро ҳамкорлик ва электр энергияси савдоси бўйича энди қўшни давлатлар билан ҳамкорликда 3,2 миллиард доллар қийматидаги иккита катта гидроэлектр станцияси лойиҳаси амалга оширилади.

Қамбарота гидроэлектр станцияси қурилиши лойиҳаси Қирғизистон ҳудудида 5,6 миллиард киловатт-соат экологик тоза электр энергияси ишлаб чиқариш имконини беради. Минтақадаги сув ресурсларини самарали бошқариш ва ундан оқилона фойдаланиш шaroити яратилиши баробарида, барча учун ҳам манфадатли лойиҳа амалиёти татбиқ этилмоқда.

Эътиборли яна бир масала Тожикистон билан ҳамкорликда Зарафшон дарёсиде барпо этилиши режалаштирилган 320 мегаваттлик Яман гидроэлектр станциясидир. Икки босқичли ушбу лойиҳа орқали йиллик 430 миллион киловатт электр энергияси ишлаб чиқаришга мўлжалланган 100 мегаваттлик станция ишга туширилади. Бу каби йирик лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида минтақадаги муносабатлар янада яхшиланиб, ўзаро ишонч тобора мустаҳкамланиб боради.

Иқтисодий ва инвестициявий барқарорлик сари фаол қадам ташлаётган Ўзбекистон қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантиришга, экологик муаммоларнинг олдини олишга, қазилма энергия ресурсларига талабини оқилона йўл билан қоплаш ва иқтисодий тараққиётга дунё аҳлини қорламоқда. Зеро, янги Ўзбекистон кашф этаётган янги йўллар халқни ёруғ манзилларга олиб чиқади.

Бугуннинг гапи

ЎЗГАРИШЛАРГА МОС ИШЛАШ КЕРАК

Янги фармон шундай талабни қўймоқда

Иқлим ўзгариши, саноат тараққиёти, аҳоли кўпайиши ва бошқа омиллар сув захирасига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бу эса ушбу йўналишда янада самарали, фойдали чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, тежамкорликка катта эътибор қаратишни талаб этмоқда. Чиндан ҳам эгاتларга сувни беҳуда оқизиб қўйиш вақти ўтди. Аксинча, унинг ҳар томчисидан унумли ва мақсадли фойдаланиш ҳақида ўйлаш керак.

Президентимиз жорий йил 10 май куни қишлоқ хўжалигини иқлим ўзгаришига мослаштириш, ердан самарали фойдаланиш ва соҳани илмий ривожлантиришга қаратилган тақдирлар тақдироти билан танишиш чоғида ҳам бунга таъкидлади. Мамлакатимизда 3 миллион гектар яйлов ва экин ери деградацияга учраган, 2 миллион гектарга яқини турли даражада шўрланган. Экспертлар иқлим ўзгариши сабабли 2030 йилга бориб, минтақамизда сув ресурслари қарийб 6 фоиз қисқаришини таъкидлаётди.

Шу боис, тақдиротда қишлоқ хўжалигида иқлим ўзгаришига мослашиш ва соҳанинг иқлимга салбий таъсирини юмшатиш бўйича 52 банддан иборат миллий дастур ишлаб чиқилгани, унинг доирасида соҳага 294 миллион доллардан ортиқ грант маблағи жалб қилиш назарда тутилаётгани айтилди. Иқлим ўзгаришини тахлил ва прогноз қилиш бўйича марказ тузилиб, 5 та вилоятда агрометеорология станциялари жойлаштирилади. Шунингдек, шўрга ва сувсизликка чидамли эканлирини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Мамлакатимизда сув хўжалиғи соҳасида катта ишлар қилинди. Соҳани ривожлантириш концепцияси тасдиқланди. Ушбу ишларнинг мантйқий давоми сифатида ҳамда тизимли муаммоларни ҳал этиш мақсадида шу йил 7 май куни Президентимизнинг “Сув хўжалиғида замонавий бошқарув тизимини жорий қилиш ва ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш тўғрисида”ги фармони қабул қилинди.

— Соҳада улкан ўзгаришлар бўлди, қўшни давлатлар билан дўстона муносабатлар ўрнатилиб, трансегаравий дарёлар сувидан фойдаланишдаги муаммолар ечиляпти, — дейди Сув хўжалиғи вазирлигининг стратегик режалаштириш ва методология бўлими бошлиғи Хуршид Лапасов. — Мазкур фармон сув хўжалиғидаги ислохотларни янги босқичга кўтаришда муҳим

аҳамият касб этади. Унга биноан Сув хўжалиғи вазирлиғи барча манбалар бўйича ягона сув балансини юритувчи ҳамда Давлат сув кадастрини ташкил этиш ва юритишга оид ишларни мувофиқлаштирувчи давлат органи этиб белгиланди. Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Айтилик, ер ости сувидан тартибсиз фойдаланиш натижасида 24 туманда жами 473 минг гектар майдонда сув сатҳи пасайиб кетган. Хусусан, Жиззах вилоятида 2023 йили 18,9 миллион куб метр ер ости сувидан фойдаланишга рухсат берилган бўлса-да, амалда 196,4 миллион куб метр еки 10 баробар кўп сув олинган. Натижада Янгибод туманида ер ости суви 19, Фориш туманида эса 3 метргача тушиб кетган.

Яна бир жиҳати бор: 54 мингта қудуқнинг сони ва қуввати бўйича ҳисобот юритиб келинади, аммо сув ҳажми инобатда олинмайди. Шу боис, бундан бўёгига сувга доир маълумотларни тақдим этиш, аҳоли томоқрасида сув ҳисобини йўлга қўйиш, умумлаштириш ҳамда сув балансини юритиш тартиби ишлаб чиқилади.

— Фармонга биноан Сув хўжалиғи вазирлиғи фаолияти уч бўғинга ажратилиб, вертикал бошқарув тизими ташкил қилинади, — дейди вазирлиқнинг юридик бўлими бошлиғи Равшан Шаропов. — Бу жараёнда юқори бўғин давлат сув сиебатини юритиб, регулятор вазифасини бажарса, ўрта бўғин сув объектларини эксплуатация қилиш, қуриш ҳамда соҳага бизнес вакилларини олиб кириш, қўйи бўғин эса бево-сита истеъмолчиларга сув етказиб бериш билан шугулланади.

Ўрта бўғинда мустақил юридик шахс сифатида Сув хўжалиғи объектларини эксплуатация қилиш агентлиғи ташкил қилинади. Эксплуатация агентлиғи таркибига ҳавза бошқармалари, магистрал каналлар, сув омборлари ва насос станцияларидан фойдаланиш бошқармалари ҳамда мелиоратив экспедициялар киритилади.

Ташкил этиладиган Сув хўжалиғи лойиҳаларини амалга ошириш департаменти эса бюджет ва хорижий инвестициялар ҳисобига амалга ошириладиган лойиҳаларда буюртмачи сифатида иштирок этади. Соҳада ислохотлар изчиллигини таъминлаш мақсадида 22 банддан иборат “Йўл харитаси” тасдиқланган.

Табиий манбалардан сув олишда амалда Экология, атроф-муҳитни муҳофиза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиғи, сунъий манбалардан олишда эса Сув хўжалиғи вазирлиғи махсус рухсатнома беради. Бунинг учун рухсатнома, лимит ҳамда шартнома расмийлаштириларди. Энди бу тизим ҳам соддалаштирилмоқда. Сув қонунчилиғи устидан назорат тизими кучайтирилиб, “Сувхўжаликсаноат” инспекциясига барча сув манбаларини назорат қилиш ваколати берилляпти. Жамоатчилик назоратини рағбатлантириш тизими йўлга қўйилади.

Трансегаравий ҳамкорлик ва халқаро ташкилотлар билан ишлаш самарадорлигини ошириш йўлида “Амударё” ва “Сирдарё” ҳавзалари сув хўжалиғи бирлашмалари ҳамда “Марказий Осиё давлатлараро сув хўжалиғи комиссияси” илмий маркази фаолиятини такомиллаштириш назарда тутилган. Масалан, Қашқадарё вилоятининг катта қисми Туркманистон ҳудудидан, Амударёдан насос орқали сугорилади. Бу жараёнда бошқарма ҳодимларининг Туркманистонга ўтиб ишлашга тўғри келарди. Табиийки, бу осон жараён эмас. Шу боис, ҳозир ушбу қийинчиликлар босқич-мас-босқич бартараф этиляпти.

Бундан ташқари, соҳада рақамлаштириш жараёнини жадаллаштириш, илм ва амалиёт интеграциясини таъминлаш, қадрлар салохиятини ошириш ҳам донимий эътиборда бўлади. Фармон сув хўжалиғи соҳасида замонавий бошқарувни жорий қилиш, ҳодимлар маошини ошириш, обихаёт ҳисобини йўлга қўйиш, умумлаштириш, балансини юритиш, истеъмолчилар учун қулайликлар яратишга хизмат қилади. Бинобарин, эл-юрт фаровонлиғи, ҳаётимиз тўқислиги, дастурхонимиз баракаси сувга боғлиқ.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Буюк ўзбек йўли

Мирзо Улуғбек — ИККИНЧИ РЕНЕССАНС АСОСЧИСИ

Ином МАЖИДОВ,
техника фанлари доктори,
профессор

Дунё халқлари тарихида ўзига хос шундай туб янгиланишлар даврлари бўладики, бундай замонларда муайян миллат даҳоси, унинг ўз салоҳиятини намоён этишга интилиши, яратувчанлик фаолияти энг юксак чўққиларга кўтарилади. Нисбатан қисқа муддатларда эришилган улугъ марралар бутун жаҳон аҳлини лол қолдиради. Айни бир халқ салоҳиятининг улкан натижаси бўлган бу каби оламшумул ютуқлар инсоният тарихининг ёрқин саҳифаларига айланади, дунё цивилизацияси тараққиётига катта туртки беради. Ер юзидagi санокли халқларгагина насиб этадиган бундай юксак кўтарилиш ва тараққиёт замонлари ўзига хос Ўйғониш, яъни Ренессанс даври деб аталади.



лариди ўз талқинини топган адолат ҳамда адолат-парварлик гояларида мужассам бўлди.

Бу орзу Соҳибқирон Амир Темури жаҳон саҳнасига олиб чиқди ва Темурийлар Ренессанси, Иккинчи Ўйғониш даври гоялари ва халқимизнинг бунёдкорлик фаолиятига кучли таъсир кўрсатди. Марказлашган қудратли давлат ва қонун устувор бўлган адолатли жамият гоёсида мужассам бўлди. Айнан халқ армонини рўёбга чиқаришга интилиш Амир Темури ибни Тарағай Баҳодир даврида нафақат мамлакат мустақиллигини таъминлаш, балки қудратли давлат барпо этиш, иқтисодий, маданият, санъат ва илм-фан соҳаларини ривожлантиришга хизмат қилди.

Кейинги йилларда юртимизни ҳар томонлама тараққий эттириш, янги Ўзбекистонни яратиш мақсадида барча соҳалар қатори таълим тизимида ҳам туб ислохотлар қилинмоқда. Бу борада қонулар, Президентимизнинг ўйлаб муҳим фармон, қарорлари, концепциялар ва дастурлари қабул қилинди. Яқинда кучга кирган “Таълим тўғрисида”ги қонун ушбу соҳа тараққиётида, ҳеч шубҳасиз, янги уфқларни очиб беради. Биз кенг кўламли демократик ўзгаришлар, жумладан, таълим ислохотлари орқали Ўзбекистонда янги Ўйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш-ни ўзимизга асосий мақсад қилиб белгиллади.

Томирларимизда ана шундай улугъ боболаримизнинг қони оқар экан, уларнинг муносиб ворислари бўлиш, юксак мақсадлар сари интилиб яшаш барчамизнинг эзгу бурчимиздир. Бу борада юртимизда мутлақо янгича шакл ва мазмундаги Президент мактаблари, ижод ва ихтисослашган мактаблар тизими яратилганини таъкидлаш лозим. Ушбу мактабларда таълим олаётган кўлаб ўқувчилар нуфузли халқаро танловларда юқори натижаларни қўлга киритмоқда. Бундай зукко ва билимдон фарзандларимиз билан ҳар қанча фخرлансак арзийди.

Олдинда турган муҳим масалалардан яна бири мана шундай фарзандларимиз орасидан янги авлод Улуғбекларини тарбиялаб, воёга етказишдан иборат. Бу йўналишда истеъдодли ёшларни қўлаб-қувватлаш Улуғбек жамғармаси фаолиятини алоҳида қайд этиш лозим. Жамғарма томонидан ўтказилаётган “Мирзо Улуғбек ворислари” сингари кўрик-танловлар, ғолибларни рағбатлантириш тизими ёшларни қўлаб-қувватлашга хизмат қилмоқда. Шунингдек, маданият, санъат, илм-фан, таълим соҳасида ўз иқтидорини намоён этаётган ёшлар учун зарур шароитлар яратмоқда.

Улуғбек илмга қизиққани ва мамлакат раванқини кўзалгани туфайли даярли бор-нинг ўзида Самарқанд, Бухоро ва Ғиждувонда

учта мадраса барпо этди. Натижада қомиллик ва маърифат сари интилиш туйғуси халқимиз менталитетидан мустаҳкам жой олди. Давр фарзандларини юксак фазилатли инсонлар этиб тарбиялаш ўша замон зиёлиларининг, маърифатпарварларининг ҳаётий ва фуқаролик этиқолида, орзусига айланди.

Мамлакатимизда бир-бири билан чамбар-час боғланган таълим соҳаси — мактабгача таълим, мактаб таълими, ўрта махсус, олий таълим тизимлари, илмий-тадқиқот муассасаларини ривожлантириш бўйича беқиёс ўзгаришлар кечмоқда. Буларнинг барчасидан кўзланган мақсад мактабгача таълим ва мактаб таълими, олий ва ўрта махсус таълим тизими ҳамда илмий-маданий муассасаларни Учинчи Ренессанснинг тўрт узвий халқасига, боғча тарбиячиси, мактаб муаллими, профессор-



ўқитувчилар ва илмий-ижодий зиёлиларимизни эса янги Ўйғониш даврнинг тўрт таянч устунига айлантиришдан иборат.

Юртимизда олий таълим тизимини янги сифат босқичига кўтариш, янада ривожлантириш, соҳадаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш, пировадига илм-фаннинг йирик ўчоқларига айлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Буюк алломаларимиз қолдирган маънавий меросни ўрганиш ва тарғиб қилиш, аввало, таълим тизимида амалга оширилади. Шунинг учун, биринчи навбатда, эътибор янги Ўзбекистон учун энг катта инвестиция бўлган таълимни қўлаб-қувватлашга қаратилди. Ҳатто Конституцияга ўқитувчилар ҳақида модда қўшилди. Бу ислохотлар тарихимиз билан уйғун моҳият касб этади. Зеро, улугъ бобимиз Мирзо Улуғбек ҳам давлат арбоби, ҳам олим сифатида мадрасалар қўриб, ўзи ҳам талабаларга таълим берган. Шу жиҳатлари билан Мирзо Улуғбек жаҳондаги бошқа ҳуқимдорлардан ажрғили туради.

“Самарқанд академияси”ни франдуз файласуфи, ёзувчи ва тарихчи олим Вольтер (1694-1778) алоҳида эътироф этган. У “Улуғбек Самарқандда бўлиб, академия (олий илмий ташкилот)га асос солиди, ер шарини ўлчашига буюрди ва астрономия жадалларини тузишда иштирок этди”, деб ёзган. “Самарқанд академияси” 1004 йил Хоразм пойтахтида ташкил этилган “Донишмандлар уйи” (Маъмур академияси)дан кейинги иккинчи “Дорул илм” эди. “Самарқанд академияси” — “Дорул илм”га 1429 йил асос солинди.

Мирзо Улуғбек астроном ва математик олим, давлат арбобидир. Темурийлар даврининг буюк шоири Алишер Навоий у ҳақда бундай деган эди:

Темурбек наслидан Султон Улуғбек,
Ки олам кўрмади султон аниқдек.

Дарҳақиқат, 40 йилга яқин ҳукмронлик қилиб, расадхона қурган ва 1018 та юлдузнинг жадалини тузган Мирзо Улуғбекдек ҳукмдор жаҳон тарихида кам учрайди. Унинг асосий илмий асари “Зижи жадиди Кўрагоний” бўлиб, 1437 йилда астрономик йилнинг узунлигини 365 кун 6 соат 10 дақиқа 8 сония ўлчамада аниқлаган. Шу ўринда Улуғбекнинг юлдузлар ҳаракатига оид ҳисоб-китоблари бугунги кунда компьютер ёрдамида текшириб кўрилганда атиги бир неча дақиқага фарқ қилиши аниқланди. Яъни Улуғбек антик даврдан бунён ўрнатилиб келаётган астрономик стандартларни янгилди.

Шунингдек, у математикага оид “Бир даража синусини аниқлаш ҳақида рисола”,



астрономияга оид “Рисолаи Улуғбек” ва тарихга доир “Тарихи арбаъ улус” (“Тўрт улус тарихи”) асарлари ҳамда мусиқа илмига бағишланган 5 та рисола ёзган. Улуғбек 6 та — булужий, ахлоқий, таърихий, шодиёна, усули равон, усули отлғи куйларини ижод қилган.

Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” ва Абу Тоҳирхожанин “Самария” асарларидан ҳам Мирзо Улуғбек шеърларидан намуналар келтирилган. Унинг даврида кўпгина асарлар араб ва форс тилидан эски ўзбек тилига таржима қилинган. Мирзо Улуғбек ташкил этган бой кутубхонада турли фанларга оид 15 мингдан зиёд китоб бўлган.

Кейинги йилларда тарихий шахсларнинг фаолиятини, илмий ва маънавий меросини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Тарих фани олдида ўзбек халқининг машҳур вакиллари маънавий-тарихий меросини қайта тиклаш масаласи долзарб бўлиб турибди. Башарит тамаддуни тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк олим Мирзо Улуғбекнинг ҳаёти ва ижоди ҳам шунлар жумласидан. Жаҳон илмий тафаккури ривожидида муносиб ўринга эга машҳур олим, аждодлар меросини эҳтиёткорлик билан сақлаган ўзига хос ҳукмдор, давлат бошқарувининг айрим йўналишларида буюк аждоди Амир Темури аъналарини давом эттирган Мирзо Улуғбек шахсига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шоҳ ва олимнинг илмий-тарихий меросини ўрганиш аънаъаси кўп асрлик тарихга эга. Унинг ҳаёти ва фаолиятига дахлдор масалалар нафақат Ўзбекистон, балки Фарбий Европа, Россия шарқшунослик ва тарих мактаблари вакиллари тадқиқотларида ўз аксини топган. Асосийси, юртимизда XX аср давомида



Улуғбек ҳаёти ва фаолиятига оид салмоқли асарлар эълон қилинди. Бу даврдаги тадқиқотлар, бир томондан, Мирзо Улуғбекнинг илмий-тарихий меросини ўрганиш борасидаги муайян ютуқлари билан, иккинчи томондан эса тарихий воқеаларга ноҳилис баҳо беришлар билан ҳам характерланади. Мазкур долзарб муаммонинг тарихини ўрганиш нафақат Мирзо Улуғбекнинг ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ бўлган йўналишлардаги ўзгаришларни кузатишни, балки муайян тарихий тадқиқотнинг тарих фани узвийлигини, турли даврларда давлатчиликнинг сиёсий ва мафкуравий шаклларидаги умумий жиҳатларини ҳам намоён этади.

Янги Ўзбекистон орзуси амалиётга, реал воқеликага айланмоқда. Аммо бу осонликча, ўз-ўзидан бўладиган иш эмас. Янги жамиятни барпо этиш, авлодларимиз учун ёруғ келажакни яратиш эҳтиёжи барчамиздан улкан масъулият талаб қилаётгани ҳам бор гап. Муайян халқ ёки давлат ҳаёти учун гоёт муҳим аҳамият касб этадиган бирор феномен ёки у ҳақдаги тушунча ва тамо-йиллар ўз-ўзидан, осонгина пайдо бўлмайди, тасодифдан дунёга келиб қолмайди. Шу маънода ҳар қандай ҳодиса, тушунча ёки атаманинг ўзига хос шаклланиш жараёни бор. Янги Ўзбекистон феномени ҳам бундан мустасно эмас.

Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш гоёси ҳам тасодифан ва қуруқ ерда пайдо бўлмаган, албатта. Ўзбек халқи буюк тарих ва давлат, бой маданият яратган. Халқимиз ҳеч қачон меҳнатдан қочмайдиган, қийинчиликдан қўрмайдиган, адолатни қадрлайдиган, метин иродали, бағрикенгдир. Авваламбор, миллий стратегиясининг мустаҳкам таянчи ва суяни бўладиган тарихий-маънавий омили, яъни бизнинг энг катта бойлигимиз — халқимизда улкан маданий мерос, интеллектуал салоҳият мавжудлигидир.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш, мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш, ватанимиз равақчи, халқимиз фаровонлигини оширишдек эзгу мақсадларимизга Иккинчи Ўйғониш даври гоялари уйғун ва ҳам-оҳанг экани, айниқса, эътиборлидир. Мамлакатимизда 1994 йил Мирзо Улуғбек йили, деб эълон қилинди. 1995 йилдан Ўзбекистон Миллий университети Мирзо Улуғбек номи билан атала бошланди.

Университетимиз нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёда биринчи ва етакчи олий таълим муассасаси ҳисобланади. Университет бир асрлик фаолияти давомида

100 мингдан ортиқ юқори малакали мутахассис тайёрлаб, ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини етук кадрлар билан таъминлашда катта хизмат қилди ва илм-фаннинг турли соҳаларида жаҳон эътироф этган муваффақиятларга эришди. ЎЗМУ 32 та ривожланган давлатнинг 100 дан ортиқ олий таълим ва илмий муассасаси билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Улкан илмий салоҳиятга эга олийгоҳ мамлакатда та-янч олий таълим муассасасидир. Унда барча университетлар учун давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурлари тайёрланиб, таълим жараёнига татбиқ этилмоқда.

Мирзо Улуғбек каби даҳолар асос солган аъналар ЎЗМУ олимлари томонидан муно-сиб давом эттирилмоқда. Мазкур илм маска-нида фаолият кўрсатаётган ана шундай илмий мактаблар жаҳон или аҳлининг юксак эътиро-фига сазовор бўлди.

Бугунги кунда университетда 14 нафар ака-демик, 160 дан ортиқ фан доктори ва профес-сор, 400 дан зиёд фан номзоди, фалсафа док-тори ва доцент фаолият кўрсатмоқда. 200 дан ортиқ ёш олим ва 500 дан зиёд иқтидорли талаба илмий тадқиқотлар олиб бормоқда. Тала-балар халқаро, стартап, фундаментал, амалий, инновацион ҳамда ҳўжалик шартномаларида иштирок этмоқда. Бир асрлик тарихга, бой аънава ва инновацион гояларга эга Ўзбекистон Миллий университети жамоаси илму маърифат ҳамда таълим-тарбия соҳасидаги ютуқларни янада кўпайтириш, Ватан равақига бундан ҳам муносиб ҳисса қўиш, “Янги Ўзбекистон — Учинчи Ренессанс” гоёси рўёбга чиқарили-шини таъминлаш учун қатъият ва шижоат билан меҳнат қилмоқда.

Жорий йилда Мирзо Улуғбек таваллуди-нинг 630 йиллиги кенг нишонланади. Шу му-носабат билан катта тантаналар ва халқаро илмий анжуманлар ўтказилмоқда. Хусусан, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ҳам халқаро конференция таш-кил этилади.

Янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс пойдеворини қуришда Мирзо Улуғбек ярат-ган асарлар гоявий-маънавий асос бўлиб хиз-мат қилмоқда. Унинг илмий мероси ёшлар-ни ватанпарварлик, тарихга ҳурмат, юртга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялайди. Шунинг-дек, унинг ҳаёти, шахси, асарлари Ўзбекист-он дунёго мис равишда ривожлантиришда, жамият аъзоларини янги Ўзбекистон гоёси асосида бирлаштиришда буюк аҳамиятга эга.

Илм-фан ютуқлари

“АҚЛЛИ” СОАТ ВА УЧ ТИЛДА ГАПИРАДИГАН СВЕТОФОР

ОЛТИАРИҚ ИННОВАЦИОН ХУДУДИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИХАЛАР

Президентимизнинг 2021 йил 1 апрелдаги “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармонида асосан, юртимиздаги 13 туман, жумладан, Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманини инновацион ҳудудга айлантириш белгиланган. Фармон ижроси доирасида янги инновацион лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирларини ўзида мужассам этган “йўл харитаси” ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилмоқда.

Кейинги йилларда қишлоқ ҳўжалиги махсу-лотлари экспорти миқдори ва доираси кенгайиб бораётгани махсулот сифатини қафолатланган ҳолда истеъмол бозорига олиб киришни тақо-зи этмоқда. Инновацион ҳудудда бу йўналишда рўёбга чиқарилаётган истиқболли лойиҳа ҳар жиҳатдан самарали экани билан ажрғили туради. “Glopost” МЧЖга тегишли лойиҳа ахборот технологиялари ёрдамида GPRS тизими орқа-ли ҳар автомобиллари юкхонасидаги ҳарорат ва намликни онлайн мониторинг ҳамада мева ва сабзавот сифатини назорат қилиш имконини яратлади.

Бугун биргина Олтиариқ тумани ҳудудида экспорт учун юк ташийдиган 2000 дан ортиқ

автомобиль мавжуд. Мавсумда ҳар куни 30 дан ортиқ машина ташки бозорга йўл олади. Шартномада белгиланган сифатда махсулот етказиб берилган пайтда музлаткичининг хо-тирасини ўқиб, қандай ишлагани тўғрисидаги маълумотлар протокол кўринишида тақдим этилиши талаб қилинади. Мазкур хизмат нар-хи Россияда 500-1800 долларни ташкил этса, Қозғоистонда 200-500 доллар атрофида. Бу эса табиий равишда махсулот таннархи ошишига сабаб бўлади.

— Инновацион ишланмамиз бу борадаги ор-тиқча сарф-харажатларга барҳам беради, — дей-ди лойиҳа ташаббускори, “Glopost” МЧЖ раҳ-бари Хайрулло Қулматов. — Монтж учун 6 дон

сим улашининг ўзи қифоя. Шу симлар ёрдамида автомобилнинг юриши, йўналиши ва бошқа па-раметрларни мониторинг қилиб борилади.

Инновация ҳудудда фаолият кўрсатувчи “Агро эътибор” МЧЖ томонидан амалиётга татбиқ этилган, турли фойдали қўшимчалар билан бойитилган минерал ўғитлар томорқа-чи, деҳқон ва фермерларнинг дала боғларида юқори ва сифатли ҳосил ештириш имконини бераётгани билан эътиборли. Бу махсулотлар, биринчи навбатда, кўп йиллик иссиқхоналарда муваффақиятли синовдан ўтди. Махсулот тар-киби ўсимликларнинг мавжудлиги асоси бўлган макро (азот, фосфор, калий, мағний, олтингу-гурт, кальций) ва микроэлементлардан (маг-нез, рух, мис, бор, молибден, темир) ташкил топган. У ўсимликларда модда етишмовчи-лигини бартараф этади, касалликларга қарши иммунитетни кучайтиради, сувда парчаланаяди. Барг ва иссиқхоналарда томчилаб сугориш ти-зими орқали қўллаш мумкин.

— Махсулотларимиз мева ва сабзавотдан мўл ва экспортроп ҳосил олишда катта сама-ра бераётир, — дейди корхона иш юритув-чиси Дониёрбек Мухаммаджонов. — Утган мавсумда фойдали қўшимчалар билан бойи-тилган 2 тоннадан ортиқ инновацион мине-рал ўғит саноат усулида ишлаб чиқарилди.

Махсулотга талаб ортиб бормоқда. Жорий мавсумда истеъмолчиларга 10 тоннадан ор-тиқ махсулот етказиб беришни кўзлаб ту-рибмиз. Энди тупроқ таҳлили ўтказадиган замонавий лаборатория яратиш устида ишла-ялмиз. У ҳар бир томорқа ҳўжалигидаги ер ҳолатига қараб фойдали минерал ўғитлар таъсия қилиш имконини беради.

Инновация марказида ишлаб чиқарилаётган куёш панелии кўчма светофорга талаб тобора ортиб бормоқда. Дастлаб Ҷақат битта турдаги светофор ишлаб чиқарилган бўлса, бугунга ке-либ турлари кўпайди, сифати яхшиланди, тан-нархи арзонлашди. Сабаби, ишлаб чиқаришда маҳаллий хомашёлардан фойдаланилпяти. Энди йилгувчан светофор тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди. Бу муайян кунларда аҳоли ва транспорт қатновчи гавжум бўладиган ҳудуд-ларда ҳаракат ҳавфсизлигини таъминлаш им-конини беради.

— Ҳозир “ақлли” светофорлар ишлаб чиқа-риш ҳаракатидамиз, — дейди Олтиариқ инно-вацион маркази раҳбари Дониёр Ботиров. — Бу мураккаб чорраҳалардан транспорт қатновчи-ни тартибга солиш, тирбандлиқнинг олдини олишда асқатади. Янги қурилма туман мар-казидаги чорраҳада муваффақиятли синовдан ўтди. Бунда сунъий интеллектдан фойдалан-ялмиз. Махсус камералар чорраҳадаги автомо-биль сони, ҳаракат имкониятларини мустақил белгилаб, уни тартибга солади.

Туманда водород ёрдамида иситиладиган иссиқхоналар яратиш бўйича инновацион



лойиҳа ҳам амалга оширилмоқда. Янги лойи-ҳа “Мирзо Улуғбек ворислари” интеллектуал кўрик-танловининг туман ва вилоят босқичи ғолиби бўлиб, республикада иштирок этиш учун йўланма олди. Қайта тикланувчи энер-гияга асосланган инновацион қурилма ҳам ха-ражаз ва атропо-муҳитга мутлақо зарарсизлиги билан эътиборни тортиди.

“Ақлли” соат инновацион лойиҳаси умум-таълим мактабларида ўзига хос қизиқишлар уйғотмоқда. Кўп функцияли қурилма ўқув жараёнида белгиланган оралиқ танаффуслар-ни инсон омилисиз белгилаш, кириш, чиқиш қўнғироқларини тартибга солади, турли ҳавфлардан огоҳ қиладди.

— Туманда 13 та инновацион лойиҳани қўла-б-қувватлаш учун 11 миллиард сўмдан ортиқ

маблаг йўналтирилмоқда, — дейди туман ҳокимининг инновацион ривожланиш масала-лари бўйича ўринбосари Абдурашид Исақов. — Маҳаллий хомашёлдан магнетиз кўкунни ва у би-лан боғлиқ махсулотлар, оҳақтош, ўтга чидам-ли гишт, ферросилиций, суюқ шиша, силикат тош ишлаб чиқаришга оид инновацион лойи-ҳалар ҳам амалга оширилиб, 150 дан ортиқ иш ўрни яратилди.

Сирасини айтганда, аҳоли фаровонлиги, юрт ободлиги йўлида амалга оширилаётган инновацион лойиҳалар кўлами ва ранг-баранглиги билан ажрғили туради.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Шукуҳ

Бахшичилик, анъанавий ижрочилик, опера, эстрада хонандалиги йўналишлари бўйича тўрт босқичда сараланган 158 нафар йигит-қиз айлани пайтда қорақалпоқнинг Бўзатовида ғолиблик учун қизғин курашяпти.



Янги юлдузлар

МАҲОРАТ МАЙДОНИДА КАШФ ЭТИЛАДИ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА “ЁШЛАР ОВОЗИ — BO‘ZATOV FEST” РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Шунингдек, 6 нафари “Нихол”, 2 нафари “Ёш ижрочилар” танловида, 3 нафари халқаро мусобақаларда ғолиб ва совриндор бўлди. Қисқа муддатда фестивалъ юлдузлари орасида порлаган Севинч Жовлиева анъанавий хонандаликка янги овоз соҳиби сифатида кириб келяпти.

— Ушбу фестивалда икки марта 1-ўринни эгалладим, — дейди у. — 15 ёшида “Шухрат” медали билан тақдирландим. Бунга миннатдорлик сифатида миллий мақом санъатимизни дунёга танитишга ваъда бердим. Италияда операчиликни ўрганаётганим, нега хорижликлар миллий мақомларимизни ўрганмаслиги керак, деб ўйлардим. Уларга “Ёр истаб” мустаҳзод қўшиғини ўргатганимдан кейин Туркменистон ва Ҳиндистондаги дўстларимизни ҳам миллий мақом қўшиқларимизга ошно этдим.

Янги тартибга кўра, Севинч каби танловнинг республика босқичида 1-ўринни эгаллаганлар ёши ва йўналишидан қатъи назар,



фестивалнинг келгуси мавсумида иштирок этолмайди.

— Бу галги фестивалъ иштирокчилари олдингидан кўп. Ўз-ўзидан ҳакамлар масъулияти ҳам ошади. Бир-биридан гўзал чиқишлар, муносиб ижролар намойиш

Танлов бахшичиликни кенг тарғиб қилиш, фольклор анъана ва қадриятларини асраб-авайлаш, бахшичилик санъати ёш ижрочиларини рағбатлантириш ҳамда истеъдодини юзага чиқаришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўтган йили тажриба алмашиш мақсадида Италияга юборилган 11 нафар ғолибдан бири, ёш бахши Ашурбек Қўзибоев фестивалъ ҳаётида янги манзиллар, улкан марраларга йўл очганини айтди. Ушбу йўналишда 23-30 ёш тоифасида иштирок этётган наманганлик Абормирзо Жўрамирзаев эса фестивалъ янги ижро мактаблари пайдо бўлишига хизмат қилиши билан аҳамиятли экани, мусика санъатимиз янада раванқ топишини таъкидлади.

11 май кун иштирокчилар бахшичилик бўйича синовдан ўтказилди. Эртаси кун ишроқчилар ўртасидаги беллашувлар бошланди. Ўзбек, қорақалпоқ ва жаҳон опера асарлари ижро этилди. Фестивалъ дастури бўйича анъанавий хонандалик, эстрада йўналишлари бўйича ҳам муносиблар аниқлан-

япти. Беллашувлардан сўнг иштирокчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида диққатга сазовор масканларга саёхатлар ташкил этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Қорақалпоғистонга ташрифи чоғида ҳудуддаги энг кенжа туман, Аму бўйидаги маданият маркази — Бўзатов номи билан боғлиқ анъанавий фестивалъ ўтказилишини айтганида маҳаллий ёшлар қатори минглаб юртдошларимиз тўлқинлангани рост. Чиндан ҳам тобора ҳаяжонли, кўтаринки руҳда ўтаётган “Ёшлар овози — Bo‘zatov FEST” республика танлови эртаими эгалари орасидан санъатимизнинг умидли вакилларини кашф этяпти. Энг муҳими, фестивалъ мамлакатимизнинг яна бир янги



санъат брендига айланиб, янги юлдузларни кашф этадиган платформа вазифасини ҳам ўтапти.

Бундай танловлар нафақат эртаими эгаларини бирлаштириши, балки улар қалбида миллий маънавиятнинг, санъатимизнинг бебаҳо дурдоналарига чекис муҳаббат ҳиссини ҳам тарбиялайди. Шундай экан, камолот пиллаёсида турган, эртанги кунга ишончи уйғоқ, қалби қайноқ ёшларимизни қўллаб-қувватлаш орқали порлоқ келажак сари ишончли одимлайверамиз.

Муножат МЎМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Туризм

Жиззахда кишиларга кўтаринки кайфият берадиган бетакрор табиат манзиллари кўп. Шулардан бири Айдар-Арносов кўллар тизимидир. Унинг узунлиги 159 километр, эни 26 километрни, умумий ҳудуди тўрт минг квадрат километрни ташкил этади. Айдаркўлни маҳаллий халқ “қумликдаги феруза денгиз” деб номлаши ҳам бежиз эмас.



Кўл атрофида кам сонли аҳоли яшайтгани сабабли бу ернинг табиати ёввойи ҳолда сақланиб қолган. Маҳаллий аҳоли сўзларига кўра, Айдар-Арносов кўлларида қарийб юзта оролча мавжуд бўлиб, у ерда қуёқ, тулки, бўри, силвосин, ондатра, тўғиз каби ҳайвонларни учратиш мумкин.

2008 йили Айдар-Арносов кўллар тизимига халқаро муҳофаза этиладиган кўллар мақоми берилган. У минтақада биохимия-хилликни асраш, ҳайвонот ва наботот турларини, ноёб қуш ва балқларни кўпайтиришда бекиёс аҳамиятга эга.

— Ҳудудда қушларнинг жуда кўп турларига дуч келасиз. Бу ерда ўн саккиз туркум, 57 оилага мансуб 314 турдаги қуш яшайди. 19 турдаги қуш Халқаро Қизил китобга, 37 турдаги қуш эса Ўзбекистон Қизил китобига киритилган. Ҳудудгагина хос бўлган ўсимликлар кишида ажиб бир таассурот уйғотади. Айдар-Арносов кўллар тизимида балқининг 22 тури мавжуд. Бугунги кунда ҳам кўлда балқик сонини кўпайтириш, насли балқик етиштириш мақсадида турдош корхоналар амалий ишларни давом эттирмоқда. Бу кўлда овланган балқик Ўзбекистон аҳолисининг учдан бир қисмини балқик ва балқик маҳсулотлари билан таъминлайди. Кўл манзарасидан, тоза ва мусоабҳо ҳавосидан баҳра олиш келган ҳар бир дам олувчида балқик овлаш истаги пайдо бўлиши табиий. Аммо бу ҳудудларда балқик овлаш учун қатор қондаларга риоя қилиш керак. Кўл яқинида ов қилиш тақиқланган. Лекин қўриқхона майдонидан ташқарида ов мавсумида руҳсатнома билан ёввойи ўрдақ, ғоз, тустовқ, балқик овлаш мумкин, — дейди Жиззах вилояти Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармаси матбуот хизмати бошлиғи Замира Абдуллаева.

Фориш-Нурота йўлидан Айдаркўлгача масофа қарийб 25 километр ташкил этади. Аммо йўл тупроқ ва нотекис. Кўлгача йўлнинг икки тарафида чорвадорларнинг ўнлаб отарлигига кўзингиз тушади. Бу йил уларнинг йили бўлди. Серёғин баҳор ҳавосидан тўйинган заминдан одам бўйи баробар келадиган шифобахш кавраклар, қизгалдоқлар ва бошқа гиёҳлар униб чиққан. Ушбу гиёҳлардан баҳраманд бўлган сармаст қўйу қўзилар, эчкино улоқларнинг сакраб-сакраб ўйнаб юриши кўзни қувонтиради. Қиш фасли охирида ёққан қор ва баҳорги ёғингарчилик Нурота тизма

тоғларида қурғоқчилик сабабидан неча йиллардан буён сув чиқмаётган булоқларнинг да кўзини очди. Аммо Нурота тизма тоғларидаги қор ва булоқ сувлари Қизилқум чўлларида снгиб кетмоқда. Афсуски, кам деҳқонларгина бу сувдан унумли фойдаланмоқда. Қувонарлик, йўлдан деҳқонларнинг замонавий иссиқхоналари ҳам кўзга ташланади.

Айдар-Арносов кўллар тизими табиати ва иқлим шароити туризмин ривожлантириш учун жуда қулай. Шу боис, ушбу қаровсиз ерларни обод қилиш, сайёҳларни жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, 2022 йил 22 февралда Президентимизнинг “Айдар-Арносов кўллар тизими бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинган. Мазкур ҳужжат билан ушбу кўлларни бошқариш учун “Айдар-Арносов кўллар тизими” МЧЖ ташкил этилди. Унинг асосий фаолият йўналиши сифатида балқик овлаш ҳажминини кўпайтириш, экспортбор ва рақобатбардор балқик маҳсулотлари етиштириш, кўллар тизими ҳудудида замонавий туризм инфратузилмаси объектларини (пляж ва сувда дам олиш туризми, кўллар қирғоғи бўйлаб сайр қилиш йўллари, меҳмонхона мажмуалари, соғломлаштириш, савдо-кўнгилочар ва туристик аҳамиятга эга бошқа объектлар) барпо этиш ҳамда сайёҳларга хизмат кўрсатиш учун зарур шарт-шаронглар яратиш қабилар белгиланган. Аммо қарор ижроси тўлиқ таъминланмаётгани сабабли давлатимиз раҳбарининг яқинда Жиззах вилоятига қилган ташрифида ҳам Айдар-Арносов кўллари тизимида сайёҳлар учун шароит



Улар билан танишдик. Меҳмонлар Қирғизистоннинг Ўш вилоятидан экан.

Икки йилдан бери ўртоқларимиз билан келиб, бу ердаги туя сути билан даволочи клиникада соғлиғимизни тиклаймиз, — дейди ўзини Абдумалик Очилов, деб таништирган меҳмонлардан бири. — Битта дўстимизнинг жигарида озгина муаммо бор. Мана шундай кенгликларда турли гиёҳлардан озиқланадиган туя сути шифобахш экан. Дўстимиз ўтган йили келиб фойдасини сездим. Шу баҳона биз ҳам даволаняпмиз. Келганимизга беш кун бўлди. Ўзимизни тетик сезяпмиз.

— Ўзбекистон ёқдими, таассуротларингиз қандай, — сўраймиз меҳмонлардан.

— Қирғизистоннинг ўзбекларимиз. Ўзбекистондаги ўзгаришлар ва ислохотларни доимо кузатиб борамиз, — дейди яна бир меҳмон Муроджон Мирвонтов. — Тўғриси, сизлардаги ободлиғи фаровонлик, тинчлиғи тотувлик, тараққиёт ва ютуқларни ўз кўзиниз билан кўриб, ҳам хурсанд бўляпмиз, ҳам ҳавас қияпмиз. Ўзбекистон барча қўшни давлатлар

билан дўстона муносабат ўрнатди. Мана, ҳозир шу оқилона сиёсат ўз мевасини берапти. Биз бу ерда худди ўз ватанимиздагидек эркин юрибмиз.

— Кўл бўйларига ҳам бордингизми?

— Олдинги сафар келганимизда бормаган эканмиз. Кеча бориб келдик. Кўл бўйида сайёҳлик учун яхши жойлар бор экан. Аммо нимагадир экосайёҳлик сизларда унча ривожланмаган. Бизнинг Иссыккўл доимо маҳаллий ва хорижий сайёҳлар билан гавжум. Олдиндан банд қилмасангиз, жой топиш муаммо. Ишончим комил, агар сармоядорларга имконият берилса, бу жойлар ҳам сайёҳларнинг сеvimли масканига айланади.

Меҳмонлар билан хайрлашиб, туя сути билан даволочи клиникага йўл олдик. Чўл бағрида жойлашган ва шаҳар санаторийларидаги шароитлардан қолшмайдиган икки қаватли клиникада боғия қирғизистонлик меҳмонлардан ташқари юртимизнинг турли бурчакларидан келган беморлар даволанаётганига гувоҳ бўлдик.

— Термиз туманидан келдим, — дейди Моҳира Азимова. — Гепатит касалигидан азият чекаман. Бундан олдин ўн кун шу ерда даволаниб уйимга қайтдим. Тахлилларим яхши чиқди. Қайтиб яна келдим, мана, ҳозир қарийб бир ойдан бери даволаняпман. Ўзимни яхши сезяпман.

— Болалигим мана шу тоғлар этағидаги Ухум қишлоғида ўтган. Ўзим шифокорман. Айни пайтда Тошкентда яшайман, — дейди клиника эгаси Даврон Латипов. — Ўғлим гепатит бўлган, одамлар туя сути шифо бўлишини айтди. Шунда маслаҳатлашиб, шу ердан жой олиб, битта туя сотиб олдим. Ўғлим туя сутини ичиб яхши бўлди. Бунни эшитиб, одамлар кела бошлади. Қарасам, туя сутига талаб кундан кунга ошяпти. Шу билан туялар сонини кўпайтиришга ҳаракат қилдик. Баракали жонивор экан. Ҳозир туяларим сони анча кўпайди. Одамлар шифо топиб, дуо қилиб кетса, ўзимни бахтиёр сезаман.

Даврон ака билан анча суҳбатлашдик. Бирга клиникада яратилган шароитларни, туяларини қўздан кечирдик. Сафаримизнинг асосий мақсади Айдар-Арносов кўллар тизимида сайёҳликни ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишларни ёритиш эканини билгач, тез-тез кўл бўйларига боришимни, кўл бўйида туризмин ривожлантириш учун кенг имкониятлар борлигини айтди.

— Ҳар сафар кўл бўйига борганимда ўзим учун шу ерда экотуризмни ривожлантириш учун режалар тузаман. Аммо тўғриси, бу ерлардан жой олишда тўсиқлар мавжуд. Агар жой масаласи ҳал бўлса, икки миллиард сўмгача сармоя киритишга тайёрман, — дейди Даврон Латипов.

Қувонарлик, мақола тайёр бўлаётганда Арнасовдан хушхабар келди. Туманининг янги ҳокими Одил Мусанов Айдар-Арносов кўллар тизимида туризм объектларини барпо этиш мақсадида хорижий инвесторлар билан музокара ўтказибди. Улар кўл атрофида сайёҳлик объектлари барпо этишга оид йирик лойиҳалар билан таништирилган. Кўл соҳилларига бориб, туризмга мўлжалланган объектлар қурилиш жойларини кўздан кечирган. Инвесторлар туманининг Наврўз қўрғонини туризмга мўлжалланган шаҳарчага айлантириш таклифини ҳам илгари сурган.

Музокаралар ўз самарасини берса, тез орада Арнасов кўли соҳилида замонавий кемпинглар, меҳмонхоналар ва хостеллар, савдо дўконлари, спорт майдонлари, боалар ўйингоҳлари қад кўтаради. Юртимиз дурдоналаридан бири бўлган Айдар-Арносов кўллар тизими чин маънода йирик экотуризм марказларидан бирига айланади.

Фарҳод НЕЪМАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири